

● АҚШнинг Калифорния штатида Шимолий муз океани тубидаги нефть конларини аниқлаш билан боғланган Shell компаниясининг режаларига қарши норозилик намойишлари бўлиб ўтмоқда. Навбатдаги намойиш Сиэтл шаҳрида ўтказилди.

«Умид ниҳоллари — 2015»



(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, бу борадаги ишларнинг натижасини мамлакатимизда спортнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳанинг ривожланиши учун халқаро стандартлар даражасида асос яратиш мақсадида ташкил этилган республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятида, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, жумладан, пойтахтимизда барпо этилган замонавий таълим-тарбия муассасалари, спорт мажмуаларида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиб маънан ва жисмонан соғлом бўлиб вояга етган ўғил-қизларимиз мисолида куришимиз мумкин.

Биргина пойтахтимизда сўнгги беш йилнинг ўзига еттига спорт мажмуаси, иккита спорт зали, учта сузиш ҳавзасининг қурилиб, фойдаланишга топширилиши ва уларда 902 нафар ўз касбининг устаси бўлган мураббийларнинг фаолият юритиб келаётгани фикримиз далилидир. Жумладан, шахримизда 287 та умумтаълим мактаби ва 44 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби бўлиб, ушбу муассасаларда жами 78 000 нафардан зиёд ўқувчи-ёшлар спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Улардан 32 минг нафардан ортигини қизлар ташкил этгани кишини қувонтиради. Хозирги кунда спортнинг футбол, кўд, тўпи, волейбол, баскетбол, шахмат, бадий ва спорт гимнастикаси турлари билан шуғулланувчи ўғил-қизлар сони 2003 йилга нисбатан 3-4 баробарга ошди. Утган 2005 — 2014 йиллар мобайнида Тошкент шаҳридан халқаро спорт мусобақаларида 1500 нафарга яқин ўқувчи-ёшлар иштирок этиб, шулардан 672 нафари шохсупанинг юқори поғоналарига кўтарилиб, голиб ва совриндорлар қаторидан ўрин олган. Умумтаълим мактабларининг 5-7 ва 8-9-синф ўқувчилари ўртасида ўтказиб келинаётган «Умид ниҳоллари — 2015» спорт мусобақаларининг барча ҳудудий босқичларида жами 56.050 нафар ўқувчи-ёшлар иштирок этди. Уларнинг 25.548 нафарини қизлар ташкил этади. Таъкидлаш жоизки, «Умид ниҳоллари» мусобақалари спортга меҳри баланд миллионлаб ўғил-қизларнинг эзгу орзулари ижобати, бир умрга ёдда қоладиган, унутилмас лаҳзаларни тақдим этувчи ёшлик ва спорт байрами бўлиш билан бирга янги



иқтидор эгаларини кашф этадиган ва уларнинг келгусидаги катта ютуқларида мустаҳкам асос бўлиб хизмат қиладиган илк майдондир.

Айтиб ўтиш жоизки, «Умид ниҳоллари» мусобақаларида ўқувчилар авваллари спортнинг 12 тури бўйича беллашган бўлсалар, бу йил мусобақалар спортнинг 17 тури бўйича ўтказилди. Эътиборли жиҳати, мусобақада ўқувчилар асосан олимпиада дастуридан ўрин олган спорт турлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Ишонимизки, улар орасидан келажақда жаҳон микёсидаги нуфузли мусобақаларда иштирок этиб, Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишга қодир иқтидорли спортчилар етишиб чиқади.

Бугун мана шу мухташам мажмуада ёшлик ва гўзаллик, баркамоллик ва соғломлик рамзи



автомобили билан тақдирланди. Иккинчи ўрин Юнусобод тумани вакилларига насиб этган бўлса, учинчи ўринни Учтепа тумани спортчи ёшлари эгаллашди. Барча голиб ва совриндорларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

— Мен спортнинг дзюдо тури билан мунтазам шуғулланиб, турли мусобақаларда жумладан, «Умид ниҳоллари — 2015» турнирида ҳам қатнашди, муносиб ўринларни эгаллаб келмоқдаман, — дейди қувонч ва ҳаяжондан кўзлари порлаб турган Чилонзор туманидаги 217-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Сардор Исломов. — Спортга ёшлигимдан қизиқаман. Келажақда тенгдошларим қатори чемпионлар сафига бўлишга ният қилман ва шунга интиламан.

— «Умид ниҳоллари» бизларнинг фақат иқтидор ва имкониятларимизни кашф этиб қолмай, балки ўзаро дўстлик ва меҳроқибат туйғуларини ҳам мустаҳкамлайди, — дейди мусобақа голиби Комила Абдуқодирова. — «Умид ниҳоллари — 2015» спорт ўйинларининг таъқвондо бўйича баҳсларида қатнашиб, голиб бўлганим, мураббийларим ва ота-онам ишончини оқлаганимдан хурсандман. Келгусида янги марралар сари интилишимда бу ютуқ албатта менга куч-ғайрат бағишлайди.

— Спортнинг қаратэ тури бўйича Юнусобод туманидаги 19-спорт мактабига олти йилдан бери шуғулланиб келмоқдаман, — дейди Дияра Туропова. — Биз ёшларнинг ўзимиз хоҳлаган спорт тури билан шуғулланишимиз учун барча шарт-шароитларнинг яратилганлиги мусобақаларда қатнашиб ғалабага эришишимизда замин бўлмоқда. Албатта, бунда устоз-мураббийларнинг бизга бераётган тўғри таълим-тарбия ва ўғитларининг аҳамиятини жуда катта деб биламан.

Тадбирда спортчилар, болалар ижодий жамоалари, ёш санъат усталари, севимли эстрада хонандалари ижросида янграган куй-қўшиқлар, жаҳон ва қитъа чемпионлари ҳамда совриндорларнинг кўргазмали чиқишлари байрам қатнашчиларига янада кўтаринки кайфият бахш этди.

ШОИРА МУХАМЕДОВА
СУРАТЛАРДА: «Умид ниҳоллари — 2015» шаҳар босқичи голибларини тақдирлаш маросимидан лавҳалар
Ислом Исмоилов олган суратлар

Ёшлик ва баркамоллик байрами



бўлган байрамда кўзлари чақнаб турган ўғил-қизлар тимсолида озод ва обод Ватанимизда вояга етётган ҳам жисмонан, ҳам маънан етук, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топаётган баркамол авлод, буюк келажагимиз бунёдкорларини кўрдик десак, муболаға бўлмайди.

Шундай қилиб спорт фестивалининг якуний босқичига старт берилди. Волейбол, баскетбол, футбол, бокс ва гандболда очколар бўйича пешқадамлик қиладиган Тошкент шаҳри бугун ўзининг иштирокчи ва голибларига ҳақиқий спорт байрамини тухфа этди.

Ниҳоят ҳаяжонли ва орзиқиб қутилган дақиқалар келди. «Умид ниҳоллари — 2015» спорт ўйинларининг голиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими ўтказилди. Эришилган натижаларга кўра, Чилонзор тумани жамоаси биринчи ўринга сазовор бўлди ва Президентиимиз совғаси — «Дамас»

Мусобақалар

БИЛИМ ВА
КЎНИКМАЛАРИНИ
НАМОЁН ЭТИШДИ

Ғафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Саломатликнинг ёш дўстлари» мусобақасининг пойтахт босқичи ўтказилди.

Тошкент шаҳар Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармалари, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти шаҳар ташкилоти ҳамкорлигида ўтказилган тадбир Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой ҳаракатининг 152 йиллиги ҳамда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг 90 йиллик фаолиятига бағишланди.

Тадбирда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг ижрочи директори Эльвира Амриалиева ва бошқалар сўзга чиқиб, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг бугунги кунда аҳолининг иқтисодий ҳимояга муҳтож қатлами манзилли ҳимоялаш, ногиронлар, кексалар, ночор ва ёлғизлар ҳолидан хабар олиш, юртимизда соғлом турмуш тарзини юксалтириш борасида олиб борилаётган фаолияти ёшларнинг тиббий маданиятини ошириш ва саломатлигини яхшилашда муҳим омили бўлаётганини таъкидлади.

— «Саломатликнинг ёш дўстлари» мусобақасини ўтказишдан мақсад ёшларимиз қалбига инсонпарварлик, меҳр-шафқат туйғуларини шакллантириш, Ватанга муносиб фарзандлар этиб тарбиялашга ҳисса қўишдир, — дейди Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти раиси Умида Мухамедова. — Жумладан, Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой ҳаракатининг эзгу ишларини тарғиб қилиш, унга асос солган саховатли инсон Анри Дюнан тўғрисида ҳамда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг 90 йиллик фаолияти ҳақидаги маълумотларни ёшларга етказиш ҳам мақсадларимиз сирасига киради.

Анъанавий равишда ўтказиб келинаётган «Саломатликнинг ёш дўстлари» мусобақасининг жорий йилдаги шаҳар босқичида туманлардаги ўқув муассасаларидан ташриф буюрган энг кучли жамоалар иштирок этди.

Тадбир доирасида иқтидорли ёш хонандалар ижросида дилрабо куй ва қўшиқлар янграб, деворий газеталар кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Мусобақа якунига кўра Олмазор туманидаги 191-умумтаълим мактаби ўқувчилари биринчи ўринга сазовор бўлишди ва республика босқичида қатнаш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Тадбир сўнггида голиблар ва энг фаол иштирок этган жамоалар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Гулнор САТТОРОВА

СПОРТ — САЛОМАТЛИК
ГАРОВИ

Шаҳримиздаги «Оқтепа» спорт-соғломлаштириш мажмуасида «Сувсоз» Давлат унитар корхонаси ва Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ходимлари касба уюшмаси Миробод тумани кенгаши томонидан «Спорт — саломатлик гарови» шиори остида минн-футбол бўйича мусобақа ўтказилди.

— Мазкур мусобақани ўтказишдан мақсад меҳнатқашларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш ҳамда соғлом турмуш тарзини шакллантиришдан иборат, — дейди Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ходимлари касба уюшмаси Миробод тумани кенгаши раиси Шахло Имомова. — Жорий йилнинг 25 апрелидан 20 майга қадар «Кексаларни эъозлаш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида «Саломатлик» спартакиада-си ўтказилди. Ишчи-хотимлар саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган мусобақалар албатта улар орасида бир-бирига бўлган дўстлик ва ҳамжихатликни янада оширади, десак адашмаймиз.

«Сувсоз» давлат унитар корхонаси тизимидаги «Тошкент сув таъминоти» шўъба корхонаси, «Сувсоз» ДУК бошқармаси ва бошқа ташкилотларнинг футбол жамоалари мусобақанинг саралаш босқичида иштирок этдилар.

Финалга чиққан жамоалар ўртасидаги қизгин беллашувда эса 1-ўрин Шаҳар сув тармоқлари бош бошқармаси жамоасига насиб этди. Шунингдек, «Энг яхши дарвозабон», «Энг яхши ҳужумчи» ва «Фахрий футболчи» номинациялари бўйича ҳам голиблар аниқланди.

«Спорт — саломатлик гарови» шиори остида шахмат, шашка, стол тенниси, дартс, бадминтон спорт турлари бўйича ҳам мусобақалар ташкил этилиб, ишчи-хотимлар ўзларининг бор маҳоратларини кўрсатган ҳолда беллашдилар. Мусобақа сўнггида голиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Зафар НАЗАРОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

O'ZSANOATQURILISHBANK

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ
аҳолига қуйидаги мuddатли омонат турларини тақлиф этади.
Миллий валютада:

«Тежамкор»	Омонатнинг сақланиш мuddати — 3 ой	Омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат мuddати тугагандан сунг берилади.
«Ягонасан Ватаним»	Омонатнинг сақланиш мuddати — 4 ой	Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат мuddати тугагандан сунг берилади.
«Ишончли даромад»	Омонатнинг сақланиш мuddати — 6 ой	Ҳисобланган фоиз даромади олдиндан ҳар 2 ойда бунак тарзида омонатчининг пластик карточкасига ўтказиб берилади.

Хорижий валютада:

«Оила капитали» (АҚШ долларларида)	Омонатнинг сақланиш мuddати — 12 ой	Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда Марказий банк курси бўйича миллий валютада тўлаб берилади.
«Эътироф» (АҚШ долларларида)	Омонатнинг сақланиш мuddати — 4 ой	Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда Марказий банк курси бўйича миллий валютада тўлаб берилади.

• Банк ўз мижозларининг омонатларини фоиз даромадлари билан бирга тўлиқ қайтариб берилишини кафолатлайди.
• Омонатчилар тўғрисидаги маълумотлар сир сақланади.
• «Ўзсаноатқурилишбанк»даги аҳоли омонатлари Ўзбекистон Республикаси Фуқароларининг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 140-66-32, 140-66-33.

Хизматлар лицензияланган.

ТАДБИРКОРЛАР
ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан ҳафтанинг ҳар шанба куни бошқармада тадбиркорлик субъектлари фаолиятига қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида «Тадбиркорлар куни» деб белгиланди.

Тадбиркорлар билан мулоқот малакали мутахассислар билан бошқарма биносидан соат 10.00дан 13.00гача бўлиб ўтади.
Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 2А-уйнинг биринчи қавати.
Бошқарма маъмурияти.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»
Эълолар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.



Узгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 28 майда Тошкент

Тошкент шаҳрида шаҳрининг об-ҳаво шароити 28 май куни ҳаво ўзгаришлари ҳақида хабар қилади. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол яради, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

19, қуёш — 31-33 даража иссиқ бўлади. Узгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 28 майда Тошкент

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: 233-28-95, факс (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаменти» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 555

Пайшанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 11298 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул Д. Исроил

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14.50